

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва корхоналар томонидан мамлакатда экологик вазиятни яхшилаш борасида табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилиши натижасида атмосферага чиқариб ташланаётган флослантларнинг моддалар 12,53 минг тоннага қисқарган, 21,6 мингта автотранспорт воситаси газ ёқилгисига ўтказилган, «Навоий-азот» ОАЖ, «Фаргонаазот» ОАЖ ва «Максам-Чирчиқ» ОАЖ корхоналарида азот оксидини атмосферга чиқариб ташлашни камайтириш бўйича янги технологиялар ўрнатилган, Навоий ва Самарқанд вилоятларида кон ишларини олиб бориш натижасида бузилган 459,8 гектар экин ерлари фойдаланишга қайтарилган.

Хисоботни муҳофаза этиш асосида мажлис иштирокчилари табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида фан-техника тараққиёти ютуқларининг имкониятларини янада ривожлантириш ҳамда улардан фойдаланиш, экологик тоза ва ресурсларни тежайдиган технологияларни амалиётга жорий этиш, бу соҳада қабул қилинган давлат дастурларини сўзсиз бажариш

зарурлигини таъкидладилар.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазир Р. Муҳитдиновнинг 2010 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини тингладилар. Бунда улар қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати юритилишини таъминлаш борасида вазирлик томонидан олиб берилаётган ишларнинг муҳимлигини алоҳида таъкидладилар. Вазирлик амалга оширган мониторинглар ахборотини бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан давлат тузилмалари томонидан комплекс ва аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирлар қўрилган. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнининг қонунчилик асосларини ва услубий таъминлашини такомиллаштиришга, юридик хизматлар ҳодимларининг касбий тайёргарлик даражасини оширишга ҳамда уларнинг давлат органлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлашини сифати учун жавабгарлигини қучайтиришга қаратилган комплекс таши-

лий-ҳуқуқий чора-тадбирлар рўйбга чиқарилган.

Замонавий коммуникация воситалари, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, ҳуқуқий ахборотни аҳолига етказиш учун қўшимча шароитлар яратиш чора-тадбирлари қўрилган. 2010 йил 1 январдан бошлаб интернет тармоғи воситасида Миллий қонунчилик маълумотлари базасидан барчанинг кенг фойдаланиши таъминланган.

Ҳисобот даврида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари қабул қилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини таъминлаш борасида вазирлик томонидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилган. 2010 йилда қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, бекор қилиш ва ижродан қачириб олиш ҳақида вазирлик томонидан 40 та тақдимнома киритилган. 2008 — 2010 йиллар мобайнида қонун билан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмаган 70 дан ортиқ идоравий ҳужжат бекор қилинган.

Сенаторлар давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофа-

за қилувчи органлар ва назорат тузилмаларининг қонун талаблари сўзсиз бажарилишини таъминлаш борасидаги ишнинг самарадорлигини янада оширишга эътиборни қучайтириш зарурлигини, қонун талабларини ижро этиш давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислохотларни изчил амалга оширишнинг гоят муҳим шарти эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий суди таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Сенатнинг икки кунлик ялпи мажлиси мобайнида 20 дан ортиқ масала, шу жумладан, 11 қонун кўриб чиқилди. Уларнинг амалга оширилиши давлат қурилиши ва бошқарувини демократлаштиришда, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш ва либераллаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва мамлакат ташқи сиёсий фаолиятини ривожлантиришда муҳим омили бўлади.

Шу билан Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон ЕХТТ билан минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, халқаро иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, экология каби соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқда.

ЕХТТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ — ЎЗБЕКИСТОНДА

Музокарада Ўзбекистон билан ЕХТТ ўртасида қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ҳамкорликка оид масалалар, шунингдек, ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболи юзасидан фикр алмашилди.

— ЕХТТ бир неча йиллардан буюн Ўзбекистон билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда, — деди К. Воллебек. — Ўзбекистон Омбудсман институтининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди. Мақсадимиз юртингизда камсонли миллат вакиллари ҳуқуқларини таъминлаш, бу йўналишда олиб борилаётган таълим ҳамда маърифий ишлар борасида фикр ва таъриба алмашишдан иборат. Ўзаро ҳамкорлигимиз йил сайин кенгайиб, мустаҳкамланиб бораверибгиши ишонаман.

ЕХТТ делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Республика Байналминал маданият марказида ҳам музокара ўтказди.

(Ў.А.).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яъни парламент палаталари у ёки бу масалада ҳукумат раҳбари ҳисоботини ҳар қандай вақтда эшитиши мумкин. Бу Олий Мажлисининг ижроия ҳокимиятга таъсирини янада оширади, ҳукумат фаолиятида шаффоқликни таъминлашда қўл келади. Конституциянинг 93-моддасига киритилган қўшимчага биноан эса,

лари манфаатларини илгари сурадиган сиёсий партиялар ролини, нуфузини оширишга ҳамда Қонунчилик палатаси ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро мувоzanатни таъминлашга шарт-шароит яратади.

Н. ТОҒАЕВА, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси: — Президентимиз парламент палаталарининг ўтган

МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИ АКЦИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

рўёбга чиқаришга қўмаклашиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. «Биз — 20 ёшда» ёшлар акциясидан кўзланган мақсад ҳам соғлом авлодни вояга етказиш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларга ҳисса қўшишдан иборатдир.

Ёш тадбиркорлар форуми, бўш иш ўринлари ярмаркаси, турли ижодий кўрик-танловлар, интеллектуал викториналар, тарихий масканларга саёхатлар, концертлар, спорт марафон ва бошқа туркум ижтимоий-маърифий тадбирлардан иборат мазкур ёшлар акцияси қамровининг кенглиги, ранг-баранглиги, йигит-қизларнинг қизиқиши ва интилишига ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир.

Акция доирасида ўтказилган ёш тадбиркорлар форумида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича юртимизда яратилган қўлай имкониятлар, миллий қонунчиликнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти хусусида атрофлича маълумот берилди.

Элдор Алимов Тошкент вилояти давлат педагогика институтининг математика-информатика факультетида тахсил олади.

— Мамлакатимизда электрон ҳужжат алмашиш, электрон тижорат жадал ривожланмоқда, — дейди Элдор. — Мен келгусида интернет-дўкон фаолиятини йўлга қўйишни режалаштираман. Бунда тадбиркорликка оид қонунчилик, ушбу соҳа учун яратилган шароитлар билан танишишда ёш тадбиркорлар форумидан олган билим ва маълумотларим асосдандир.

Олмалик шаҳар Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Абдурауф Оқбоевнинг айтишича, акция доирасида ўтказилган меҳнат ярмаркасида Тошкент вилоятининг икки юздан зиёд корхона, муассаса ва ташкилотлари уч ярым мингдан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Вилоятда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим масканлари билан корхоналар ҳамкорлиги-

ни янада мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай масъулиятли ишга жамоат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётир.

Дилноза Рисбоева Олмалик саноат касб-хунар коллежини кимё-технология йўналиши бўйича тамомлаган.

— Меҳнат ярмаркасида умумий ўрта таълим мактабига кимё фани йўқ-лаборатория хонаси лаборанти сифатида ишга кириш учун йўлланма олдим, — дейди Дилноза. — Мутахассисга қўйилган талаблар, иш тартиби ва ойлик маоши менга маъқул бўлди. «Биз — 20 ёшда» акцияси доирасида турли қизиқарли маърифий тадбирлар, спорт-соғломлаштириш марафонлари, санъат усталари, республика миқёсидаги ижодий кўрик-танловларнинг голиблари, бола-лар ва ёшлар бадий-муסיқий жамоалари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Мазкур акция 21 апрелгача Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда давом этади.

Назозат УСМОНОВА, Ў.А. мухбири.

ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ, ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ

Сенатда маъқулланган қонунлар ана шу эзгу мақсадга йўналтирилгандир.

Бош вазирга вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш учун Президентга тақдимнома киритиш ҳуқуқи берилди. Ҳокимлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришга маъсул экани, аниқ чоғда ҳукумат фаолияти учун Бош вазирнинг жавобгар бўлиши сабабли бундай қоида ҳам мантқиқий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тўғридир.

К. ЭРҒАШЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси: — Бугун мамлакатимизда кўп партиявийлик, сиёсий плюрализмни мустаҳкамлашга, партияларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотлардаги аҳамиятини оширишга, фуқароларнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти даражаси, мамлакат тақдирини учун масъуллигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода айтганда, сенаторларимиз томонидан маъқулланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонунида мазкур ташаббуслар ўз рўйбинини топди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Конституцияга киритилаётган тузатишларга мувофиқ, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш институти татбиқ қилинаётир. Бу мамлакатимизда парламентаризм ривожини янги даражага кўтариб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида бир-бирини тийиб туриш ва манфаатлар мувоzanатини таъминлаш принципининг амалдаги таъсирини кенгайтириш бўйича аниқ механизмларни яратади. Чунки парламент ишончсизлик вотуми билдириш орқали ҳукуматга нисбатан реал таъсирга эга бўлади. Аниқ пайтда вакиллик органи — Сенат аъзоларининг Бош вазир номзодини ёки Бош вазирга нисбатан билдирилган ишончсизлик вотумини кўриб чиқиш жараёнида ҳудудий манфаатлар нуқтаи назаридан баҳолаш имконияти ва масъулиятини оширади, албатта.

Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.

Хорижда ҳам харидоргир

Гулистон шаҳридаги «Мили-Гулистон» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида қалава ип ишлаб чиқаришга иқтисослаштирилган янги технологик линия ишга туширилди.

Интилиш

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 7 миллион АҚШ долларига маблағ сарфланди.

Пировардида бу ерда хорижнинг илгор технологиялари ёрдамида йилга 5800 тонна маҳ-

сулот ишлаб чиқариш имконияти яратилиб, қўшма 300 та иш ўрни ташкил этилди.

Эътиборлиси, корхонада тайёрланаётган аъло сифатли маҳсулотнинг асосий қисми экспорт қилинади.

Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚУРИЛИШ САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИ замонавий корхоналарнинг самарали фаолияти туфайли юксалиб бормоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).



— Ҳозир кунга икки минг донга гипсокартон ишлаб чиқараямиз, — дейди жамият раҳбари Нодир Тўлаганов. — Бундай масъулиятли жараёнда, асосан, касб-хунар коллежи битирувчиларидан ташкил топган 35 нафар ишчи-ҳодимимизнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Шу йилнинг апрель ойига бориб, кунлик маҳсулот тайёрлаш қувватини тўрт минг донга оширишни мақсад қилганмиз. Шу орқали 35 та янги иш ўрни ташкил этилади. Янги марраларни эгаллашимиз ва барқарор суръатда ривожланишимизда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига яратиб берилаётган шарт-шароитлар, солиқ имтиёзлари ва преференциялар айни муддао бўлаётганини таъкидлаб ўтишни истардим. Яқин келажақда яна бир қурилиш материали — профиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, маҳсулотларимизни экспорт қилмоқчимиз.

Мухтасар қилиб айтганда, «Alif Grand Corporation» МЧЖ жамоаси мамлакатимиз саноати тараққиётига камарбаста бўлиш асосида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

С. МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Х. ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва ЎзЛиДЕПнинг қўйи палатадаги фракцияси ҳамкорлигида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — иқтисодиётнинг асосий таянчи» мавзуда илмий-амалий конференция ўтказилди. Тадбирда қўйи палата депутатлари, тегишли вазирликлар, банк ва бошқа молия институтлари вакиллари, тадбиркорлар ҳамда иқтисодчи олимлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур соҳанинг юртимиз янги ички маҳсулотидеги улуши йилдан-йилга ортиб бораётгани ушбу сазай-ҳаракатлар самарасидир. 2000 йилда уларнинг мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотидеги улуши 30 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 52,5 фоизга етгани ҳам бунга тасдиқлаб турибди. Яна бир мисол. 2000 йилда 104 минг 486 та микрофирма ва кичик корхона бўлган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 201 минг 730 тага етди. Аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозир юртимиздаги иш билан банд аҳолининг 75 фоизга яқини айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам бунинг яққол далилидир. Тадбирда Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасидан келиб чиқадиган энг муҳим устувор вазифалар муҳокама этилди. Яъни ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ортиб бораётганига қарамай, ушбу соҳа реал иқтисодиётда, авваламбор, саноатда етакчи ўринни эгаллаб олмаяпти. Эндилқда бунга ҳал этиш учун «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғриси-

да»ги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш зарур. Ушбу Қонун орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўллари соддалаштириш, уларга кўпроқ эркинлик бериш кўзда тутилмоқда. Аниқ чоғда мазкур соҳани кредитлаш, тадбиркорлик субъектларига ишлаб чиқараётган маҳсулотларини сотиш учун янги имтиёзлар бериш, молия ва статистика хисоботлари тизимини соддалаштириш масалалари ҳам ушбу ҳуқуқий ҳужжатда ўз аксини топади.

Қонунчилик палатаси, Адлия вазирлиги ва бошқа тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг вакилларини жалб этган ҳолда, иқтисодиёт, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид ҳуқуқий базани инвентаризациядан ўтказиш, қонун ҳужжатларини бир тизимга келтириш, қонунчиликдаги бўшлиқ ва номувофиқликлар, қарама-қаршилиқ ҳамда зиддиятларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳам долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Тадбирда ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш, уларни банк-кредит тизими орқали қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзларини кенгайтириш масалаларида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Аниқ чоғда таъсирчан тарғибот усуллари ва воситаларидан фойдаланиб, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини алоҳида етказиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фаргона туманидаги Миндонобод қишлоғида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган бешта тураржой биноси фойдаланишга топширилди.

Янги уйлар Наврўз шодиёнаси

Гўзал ва бетакор айём — Наврўз байрамини янги уйлар соҳиблари ўз ҳовлиларида шоду хуррамлик билан нишонладилар. Барча коммуникация тармоқларига уланган ушбу тураржойлар «Янгиавлодқурилишвест» корхонаси қурувчилари томонидан қисқа муддатда бунёд этилди. Бунинг учун қарий 500 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Таъкидлаш керакки, «Янгиавлодқурилишвест» жамоаси жорий йил охирига қадар яна 20 та ана шундай уй қуриб, эгаларига топширишни режалаштирмоқда.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 29 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўшиб ҳисоб қилиниши белгилади.**

1 Австралия доллари	1725,04
1 Англия фунт стерлинги	2691,79
1 Дания кронаси	316,95
1 БАА дирҳами	457,70
1 АҚШ доллари	1681,00
1 Миср фунти	282,81
1 Исландия кронаси	14,62
1 Канада доллари	1714,08
1 Ҳитой юани	256,19
1 Россия рубли	59,56
1 Украина гривнаси	211,24
1 Малайзия ринггити	555,70
1 Польша злотийси	589,93
1 СДР	2667,28
1 Туркия лираси	1082,00
1 Швейцария франки	1825,19
1 евро	2381,34
10 Жаңубий Корей воңи	15,09
10 Япония енаси	205,63

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олган.

БЕЛЛАШУВЛАР ҚИЗГИН КЕЧДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мазкур ўртоқлик учрашувини кузатиш учун Халқаро шахмат федерацияси (FIDE) президенти Кирсан Илюмжинов ҳам ташриф буюрди.

— Ўзбекистон шахматни ривожлантириш бўйича дунёдаги етакчи давлатлар қаторида туради, — деди К. Илюмжинов. — Мамлакатингизда болалар ўртасида спортни, шу қатори шахматни ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибордан яхши хабардоримиз. Масалан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шахсан ўзи бошчилик қилаётгани давлатингиз раҳбарининг ёш авлоднинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб етишиши учун қўриқиб турган улкан эътибор ва ғамхўрлигининг амалдаги ифодасидир.

Шахмат ишқибозларига яна бир янгилик. Жорий йилнинг куз ойларида пойтахтимизда FIDE президенти соврини учун Марказий Осиё давлатларининг энг кучли гроссмейстерлари ўртасида халқаро турнир ўтказилиши режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, 2012 йили Тошкент шаҳри илк бор дунёнинг ўн икки нафар гроссмейстери ўртасидаги FIDE Гран-присга меъзолик қилиши мўлжалланмоқда.

Энди беллашув тафсилотлари ҳақида. Биринчи партия дуранг натижа билан якунланди. Иккинчи партиядо Рустам Қосимжонов ғалаба қозониши учун бир неча имкониятлар бўлди. Аммо тажрибали В. Ананд қийин вазиятда бўлишига қарамай зафар кучди. Кейинги партиядо ҳам хиндистонлик гроссмейстер фойдасига ҳал бўлди. Кеча амалдаги жаҳон чемпиони В. Ананд мамлакатимиз ёш иқтидорли шахматчилари билан маҳорат машғулотларини ўтказди. Бугун эса Р. Қосимжонов шундай машғулотларда иштирок этади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов иштирок этди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Айни кунларда кўпгина шахмат ишқибозларининг диққат-эътибори пойтахтимизга қаратилган. Чунки бу ерда жаҳоннинг энг кучли икки шахматчиси — 17-жаҳон чемпиони, ўзбек ўғлини Рустам Қосимжонов ва амалдаги жаҳон чемпиони, хиндистонлик Вишванатан Ананд ўртоқлик учрашуви, ёш шахматчилар учун семинар-тренинглари ва яна турли тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу кенг қамровли тадбир мамлакатимизда ёш спортчиларни кашф этиш ва уларни кўллаб-қувватлашга қаратилгандир. Фурсатдан фойдаланиб, амалдаги жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд билан мулоқот уюштирдик.

Бизнинг интервью

Вишванатан АНАНД:

«ЮРТИНГИЗДАН ШАХМАТ БЎЙИЧА КЎПЛАБ ЧЕМПИОНЛАР ЕТИШИБ ЧИҚИШИГА ИШОНАМАН»

— **Жаноб Ананд, аввало, дийримишга хуш келибсиз! Таассурларингиз қандай?**

— Ташаккур! Мени шундай мафтункор дийрга таклиф қилишгандан жуда хурсандман. Алоҳида таъкидлашим зарурки, ўзбек ва хинд халқларини ўзаро боғлаб турувчи дўстона муносабатлар чуқур тарихий илдизга эга. Аъналаримиз, маданиятларимизнинг бири-бирига яқин жиҳатлари кўп. Бугун Ўзбекистон ва Хиндистон кўпгина соҳаларда ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантирмоқда.

Тошкентга келган дастлабки кунимдан бошлаб, бу ерда мени катта ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олишди. Халқингизнинг меҳмондўстлиги, инсонпарварлик хислатларига қўйил қолдим. Пойтахтингизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўзини қувонтиради. Айниқса, бу ерда спортга, шу жумладан, шахматга қаратилаётган эътибордан жуда мамнун бўлдим.

— **Сиз айни дамда амалдаги жаҳон чемпионисиз. Ютуқларингизга ҳавас қилса ар-**

зийди. Шахматга қизиқшингиз ҳақида айтиб берсангиз.

— Шахматга меҳр болаликдан уйғонган. Олти ёшимда шахматни севиб ўйнардим. Биринчи устозим онам бўлганлар. Ун тўрт ёшимда ўсмирлар ўртасида

тренинглари ўтишимни сўрашганди. Мен бу таклифни катта мамнуният билан қабул қилдим. Билдимки, мамлакатингизда шахматга эътибор юксак даражада экан. Бу эса, албатта, ўз самарасини беради. Юртингиздан шахмат бўйича яна кўплаб чемпионлар етишиб чиқишига ишонаман.

— **Рустам Қосимжонов билан бир неча марта учрашгансиз. У сиз учун қандай рақиб?**

— Рустам жуда кучли шахматчи. Уни 1999 йилдан бери биламан. Ўсимда, у билан Сент-Луис ва Корсидадаги учрашувларимиз жуда қизиқarli бўлганди. Ундан ҳали яна кўплаб яхши натижалар кутиб қоламан.

— **Тилақларингиз...**

— Юртингиздан кўт-барак аримасин. Ақл-заковатни чархлашга, хотирани мустаҳкамлашга, синчковликни оширишга ва шу билан бирга, бўш вақтни мазмунли ўтказишга хизмат қиладиган шахмат ишқибозлари янада кўпаяверсин!

«Халқ сўзи» мухбири **Омонулла ФАЙЗИЕВ** сўхбатлашди.



Рустам Қосимжонов (сўра) ва Вишванатан Ананд (жаваб) ўртоқлик учрашувида шахмат ўйнаётган ҳолати.

мамлакат чемпионатида биринчи ўринни кўлга киритганман. Шу ёшимда халқаро тоифадаги спорт устаси, 18 ёшимда эса халқаро тоифадаги гроссмейстер унвонига эга бўлдим. Бир ҳақиқатни айтиш керак. Агар биз кўплаб шахмат чемпионлари униб ўсишини истасак, уларни болаликдан тарбиялашимиз зарур. Мени Тошкентга таклиф қилишганида, дўстим Рустам Қосимжонов билан ўртоқлик ўйини ўтказишдан ташқари, ўзбекистонлик ёш шахматчилар учун семинар-

Эркинликка энг яқин соғат!
— Корона;
— Телерадио;
— Сана маҳсулотлари;
— Ой ва ўрнатилган ўрн қўриққан
Эркинлик ва омон-амнликни
қанда бир қилганимиз
тўғри ва етказиб берини учун
Биротқалар қабул қиламиз.
«Мансаб» Интернет ва омонлик
компанияси билан
Тел. 011-279 20-02-78; Факс 011-279 20-08;
011-7 999 97 00 00;
www.manstab.uz; 1-800-234-000-000 (Ўзбекистон)

«KENG MAKON»

масъудияти чекланган
жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни
қутлуғ айём —

Наврўзи олам

билан чин дилдан
қутлайди!

Намозини омад,
дўстдошларимизга тинчлик-
хотиржамлик тилайди!

Тошкент темир йўллари муҳандислари институти ЖАМОАСИ

муқаддас юртимиз
аҳли ва меҳмонларини
бахор, гўзаллик байрами —
Наврўзи олам билан
саломий муборакбод
этади!

Ватандошларимизга
тинчлик-хотиржамлик,
бахорий кайфият, бахт-
саломат, дастурхонларинга
қут барак тилайди!

2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»
деб эълон қилинган муносабати билан

«ИПОТЕКА-БАНК»

акциядорлик тижорат ипотека банки

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ билан биргаликда

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш
мақсадида тўғри қилинган «Энг яқин икки чакрани лойиҳаси»,
«Энг яқин хизмат қўриққан лойиҳаси», «Энг яқин ёш тадбиркор лойиҳаси»,
«Энг яқин аёл тадбиркор лойиҳаси» номли лойиҳалари бўйича таълоонинг
икуний босқичини ўтказди.

Таълоо лойиҳаларига аёра, қўллаш қарорлари номли лойиҳалар билан:

- «Энг яқин икки чакрани лойиҳаси»
номли лойиҳага таълоо —
«Салом Хўшкор Текстиль» хусусий корпорацияси (Ангрен вилояти)
- «Энг яқин хизмат қўриққан лойиҳаси»
номли лойиҳага таълоо —
«Дониш Билан» хусусий фирмаси (Бухоро вилояти)
- «Энг яқин ёш тадбиркор лойиҳаси»
номли лойиҳага таълоо —
«Самандарбек Файз» хусусий корпорацияси (Жалалотдин вилояти)
- «Энг яқин аёл тадбиркор лойиҳаси»
номли лойиҳага таълоо —
«Дониш Осиёт» хусусий корпорацияси (Сурхондарё вилояти)

Таълоо лойиҳаларига бўйича ҳар бир таълоо қарорига 5,0 млн. сўлдан кўра қўриққан
бўлади ва уларни лойиҳалари «Ипотека-банк» компанияси қўллаш таълоо лойиҳалари
мақсадида қўллашга.

«Ипотека-банк» компанияси қанда бир таълоо қарорига қўриққан лойиҳалари
бўлади — Наврўзи билан таълоолади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 78776 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятда келган кўлемлар тақрир қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди
ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов
томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орплов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон»
кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20 Топширилди — 02.35 1 2 3 4 5